

Дунё нигоҳи

ЎЗБЕКИСТОНДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН МАЪМУРИЙ ИСЛОХОТЛАР ХАЛҚ ФАРОВОНЛИГИ ВА ИҚТИСОДИЁТНИ ЯНАДА ЮКСАЛТИРИШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Мамлакатимизда иҳчам ва самарали давлат бошқарувига ўтиш йўлида бошланган кенг қамровли маъмурий ислохотлар хорижий мамлакатларда ҳам ўз акс садодини бермоқда.

Хусусан, халқаро таҳлилчилар Президент Шавкат Мирзиёев томонидан тақлиф этилган иҳчам ва самарали давлат бошқаруви тизимини жорий этиш “қўлда бошқарув”дан аниқ натижа учун ишлайдиган комплекс тизимга ўтиш, бюрократик тўсиқларни қисқартириш, аҳолига юқори сифатли давлат хизматлари кўрсатиш, умуман олганда, инсон манфаатларига хизмат қиладиган тизимни такомиллаштиришини таъкидламоқда.

Зоҳири ИДРИС, Малайзия сиёсий ва иқтисодий тадқиқотлар маркази ижрочи директори:

— Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 21 декабрда имзоланган “Янги Ўзбекистон маъмурий ислохотларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”-ги Фармони жуда долзарб ва катта аҳамиятга эга ҳужжат ҳисобланади.

Сўнги йилларда Ўзбекистонда самарали фаолият кўрсатадиган бошқарув тизимини шакллантириш бўйича

Кучли мактабларсиз ривожланиш, уйғониш бўлмайди

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномаси миллий тараққиётимизнинг янги даврини бошлашга йўналтирилганлиги ҳамда янада халқчиллиги билан алоҳида диққатга сазовор. Зеро, унда халқимиз ҳаёти учун зарур бўлган бирор соҳа четда қолмади.

Мушоҳада

Хусусан, иқтисодиёт, инвестициялар, тадбиркорлик ва хусусийлаштириш масалаларига кенг урғу берилдики, тараққиётимизда ушбу омиллар ўрни қанчалик муҳимлиги сир эмас. Айни чоғда ижтимоий ҳимоя, таълим-тарбия, оила ва маҳалла ҳамкорлиги, маданиятни ривожлантириш, хавфсизлик масалаларига алоҳида эътибор қаратилаётгани, янги механизмлар асосида ишлаш ташкил этилиши мазкур соҳалардаги мавжуд муаммоларни ечишда муҳим ўрин тутди.

Кириб келган йилнинг “Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили” деб номланишида ҳам улкан маъно муҳассам. Аввало, халқпарвар

сиёсат, шу жумладан, ижтимоий давлат қуриш йўлидаги тизимли ҳаракатлар изчил давом эттирилади. Қолаверса, Тараққиёт стратегиясида белгиланган устувор вазифалар ижросига кенг урғу берилди ҳамда инсон салоҳиятини тўлиқ намоён этишида муҳим омил ҳисобланган таълим-тарбия самарадорлиги ва сифатини ошириш доимий эътиборда бўлади. Аниқ айтишдан бўлсак, Тараққиёт стратегиясида белгиланган 100 та мақсадга эришиш орқали инсон кадрини юксалтириш, халқимизни ташвишга солаётган кўплаб муаммоларни ҳал этиш чоралари кўрилади.

2

“Халқ сўзи” йўлланмаси билан

«...КЕЛДИМ БОШ ИЛА ОЛҒОЛИ ТАЪЛИМ САНГА»



Жамият тараққиёти, миллий фаровонлик ҳамisha ёш авлоднинг таълим-тарбияси, замонавий билимларни чуқур эгаллаган янги кадрлар, уларнинг юксак маълакаси билан боғлиқ бўлиб келган. Шу боис ҳам мамлакатимизда янги замон авлодини тарбиялаш, улар дунёқарашини янги ҳаёт қадриятлар асосида шакллантириш давлат сиёсати даражасига кўтарилди.

4-саҳифага қаранг.

ЖАСОРАТЛИ МЕҲНАТ — БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЁТ КАЛИТИ

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига йўллаган Мурожаатномасида ўтган йилга шундай таъриф берди: “Яқунига етаётган 2022 йил ғоят мураккаб ва синовли йил бўлди, десам, ҳар томонлама тўғри бўлади. Ушбу даврда тўплаган тажрибамиз бир ҳақиқатни яққол исботлаб бермоқда: тараққиётга — фақат машаққатли ва жасоратли меҳнат орқали эришилади”.

Чиндан ҳам шундай. Сабаби дунё давлатлари пандемиянинг салбий таъсирини ҳали бартараф этиб улгурмасдан туриб иқтисодий ва сиёсий инқирозлар, зиддиятларга дуч келди. Бу эса иқтисодиёт тармоқлари, ташқи савдога жиддий таъсирини кўрсатмай қолмади. Шунга қарамасдан Ўзбекистон иқтисодиётида барқарор ўсиш суръатлари сақланиб қолгани диққатга сазовордир.

Дарҳақиқат, асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар бунини яққол тасдиқлайди. 2022 йил якунлари бўйича мамлакатимиз иқтисодиёти 5,5 фоиз ўсиши кутиляпти. Бундан ташқари, ялғи ички маҳсулот ҳажми илк бор 80 миллиард доллардан ошган бўлса, бир йил ичида жалб этилган тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар 8 миллиард долларга, экспорт ҳажми 19 миллиард долларга етказилди. Буларнинг барчаси иқтисодиётимиз рақобатбардошлиги ортиб, чет эллик ҳамкорларнинг ишончи кучайиб бораётганини англатади.

Таҳлил

Ислохотлар қатъий давом эттирилади

Давлатимиз раҳбари олти йўналишдан иборат Мурожаатномада 2023 йилда ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий соҳаларда амалга ошириладиган устувор вазифаларни белгилаб берар экан, қишлоқ ҳўжалигида ислохотлар қатъий давом эттирилишини маълум қилди. Ушбу жараёнда инсон қадри ва манфаатларини таъминлаш устувор вазифа сифатида биринчи ўринга қўйилаётгани, айниқса, қувонарлиқдир.

Бу ҳақда гап кетганда биргина 2022 йилда 100 минг гектар экин майдонлари аҳолига деҳқончилик қилиш учун бўлиб берилганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Натижада қишлоқларда 400 мингта янги деҳқон ҳўжалиги таш-

кил қилиниб, 1 миллион 200 мингдан зиёд кишиларнинг бандлиги таъминланди. Энг асосийси, 1,5 миллион тонна қўшимча озиқ-овқат маҳсулотлари етиштирилиб, бозорларимизда арзончилик, дастурхонимизда тўкинлик бўлишига замин яратилди.

Эришилаётган шу каби натижалар самараси ўлароқ мазкур йўналишдаги ишлар 2023 йилда ҳам давом эттирилиб, сув таъминоти яхши бўлган 100 минг гектар қўшимча экин майдонларининг аҳолига ажратилиши кутилмоқда. Бунинг ҳисобидан қарийб 350 мингта янги деҳқон ҳўжалиги ташкил этилади.

Президентимиз қишлоқ ҳўжалигида қўлга киритилаётган ютуқлар ҳақида тўхталиб, пахтачиликдаги юксак муваффақиятлар кластер тизими асосида жорий этилган янги иқтисодий ри-



вожланиш драйвери туфайли эканлигини алоҳида эътироф этди. “Мана, пахта билан давлат идоралари шуғулланмаяпти. Ким шуғулланаяпти? Манфаатдор шуғулланаяпти, албатта. Бунга биринчи қадамларни қўйдик. Кластер тизимининг ютуқ томонлариям бор, камчиликлариям бор. Уни ҳар йили тўғрилаб борамиз. Келаси йиллари фақат пахтачиликда қайта ишлашдан 7 миллиард экспортга чиқишимиз керак”, деди давлатимиз раҳбари.

Чиндан ҳам деҳқончилик учун ноқулай келган 2022 йилда пахта етказириш осон кечгани йўқ. Айниқса, ўза айлани ҳосил тўплайдиган паллада хароратнинг кескин кўтарилиб кетиши, сув тақчиллиги каби табиий-экологик омиллар юртимиз пахтакорлар-

ри иродасини яна бир қарра синов-дан ўтказди.

Республикаимизда фаолият юритаётган 134 та пахта-тўқимачилик кластери томонидан ёзанинг ҳар бир худуд тупроқ-иклим шароитига мос бўлган, экстремал шароитлар ва касалликларга чидамли навлари жойлаштирилгани, экин парваришида юқори агротехнологиялар ҳамда интенсив усуллар қўлланилгани туфайли баракали ҳосил яратилди. Пировардида ўтган йилда 3 миллион 509 минг тонна пахта хомашёси олинди. Шу жумладан, “оқ олтин”нинг 727,9 минг тоннаси пахта-тўқимачилик кластерларининг ўзларига бириктирилган 174 970 гектардан, 2 781,8 минг тоннаси эса 29 минг 970 та фермер ҳўжалиги билан ғиёерс шартномаси асосида 859 253 гек-

тар майдондан йиғиб-териб олинди. Шу ўринда савол туғилиши табиий: пахта майдонлари йил сайин қисқартирилаётган бир шароитда ялғи ҳосил микдори ниманинг эвазига ошмоқда?

Албатта, юқори ҳосилдорлик туфайли мўл ва юқори сифатли ҳосил олинмоқда. Чунки кластер тизими жорий этилган пахта ҳосилдорлиги тобора кўтарилиб бормоқда. Мисол учун, 2017 йили, яъни фермер ҳўжалиги тизими даврида ўртача ҳосилдорлик гектарга 22,1 центнерни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич кластер тизими асосида ишни янгилаш ташкил этиш натижасида 2020 йилда 30,2 центнер, 2022 йилда эса 34,0 центнерга етказилди.

3

Сайловчилар билан юзма-юз

АНИҚЛАНГАН МУАММОЛАР БИРГАЛИКДА БАРТАРАФ ЭТИЛАДИ

Хабар берганимиздек, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ўзи сайланган округларда бўлиб, аҳоли билан мулоқотлар ўтказмоқда. Ушбу ўрганишлар ўз ечимини кутаётган муаммоларни бартараф этиш, ҳудудлардаги ижтимоий ҳаётнинг муҳим масалаларини аниқлашга ёрдам бераётир.

Қонунчиликдаги янгиликлар тарғиботи

Халқ вакили Зафар Худойбердиев Норин туманида сайловчилар билан учрашувлар ўтказди.

Депутат дастлаб тумандаги Дўстлик, Навоий, Яйдоқ, Катта яйдоқ, Ўзбекистон, Катта оқтоғлиқ ва Сирмоқ маҳаллалари аҳолиси билан юзма-юз мулоқотда бўлди.

Очик ва савимий кечган учрашувларда Президентимизнинг Олий Мажлис ва халқимизга йўллаган Мурожаатномасининг мазмун-моҳияти ҳамда қонунчиликдаги

Мақтабгача таълим ташкилотида шароит қониқарлими?

Парламент қуий палатаси депутати Шерзод Раҳмонов Шофирқон тумани “Шодлик” маҳалла фуқаролар йиғинидаги 5-мактабгача таълим ташкилотида бола-ларга яратилган шарт-шароитлар билан танишди.

280 нафар тарбияланувчига эга ушбу муассаса 2015 йилда қайта таъмирланиб фойдаланишга топширилган. Мулоқот жараёнида кунлик овқатланиш рақсонига амал қилиш, машғулот хоналари, ётоқхона жиҳозлари, қолаверса, санитария ва иссиқлик тизими атрофича ўрганилиб, аниқланган камчиликлар бартараф этиладиган бўлди.

2

Давра суҳбати

“ГЕНДЕР-МАДАД” ЭЛЕКТРОН ПЛАТФОРМАСИ ОРҚАЛИ 500 ДАН ОРТИҚ МУРОЖААТЛАР КЕЛИБ ТУШГАН

Олий Мажлис Сенатининг Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитаси аъзолари, “Мадад” ННТ вакиллари ҳамда маҳаллий Кенгашларнинг Ёшлар сиёсати, хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари бўйича доимий комиссиялари вакиллари иштирокида давра суҳбати ўтказилди.

Унда аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, хотин-қизлар ушбу хизмат орқали гендер тенглик масалалари бўйича ўзларини қизқитириган саволларга реал вақт режимида мутахассислардан жавоб олишлари мумкин.

Ҳозирги вақтгача платформа орқали 500 дан ортиқ онлайн мурожаатлар келиб тушган. Мурожаатларнинг 220 таси ёки 40,6 фоизи гендер тенглик муносабатлари, 114 таси ёки 32,1 фоизи аёллар ҳуқуқий ҳимояси, 103 таси ёки 27,1 фоизи аёлларга имтиёзлар ва бола пули ҳамда нафақа масалаларига тегишлидир.

Тадбирда сенаторлар ҳамда экспертлар томонидан “Мадад” ННТнинг ҳудудлардаги бюролари ишини ривожлантириш, айниқса, “Гендер-Мадад” электрон платформаси имкониятларидан самарали фойдаланиш, маҳаллий Кенгашлар депутатлари билан ҳамкорликда тарғиб-бот-ташвиқот ишларини янада кучайтириш зарурлиги ҳам айтиб ўтилди.

Платформада онлайн-

“Халқ сўзи”.

БИР ГЕКТАР ИССИҚХОНАДАН ЙИЛИГА 500 МИЛЛИОН СЎМДАН КўП ДАРОМАД

Бу Андижон вилоятида «нетхаус» услубида барпо этилаётган тажриба ҳўжаликлари мисолида ҳаётий ҳақиқатга айланмоқда.

Мамлакатимизда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, йилнинг тўрт фаслида ҳам халқимиз дастурхонига кундалик зарурий мева-сабзавот маҳсулотларини бир маромада етказиб бериш ҳамда бозорларимизда нарх-наво барқарорлигига эришиш борасида кўрилаётган изчил савий-ҳаракатлар бугун ўз самарасини бермоқда.

Интилиш

Айни жараёнда аҳоли то-морқаси, деҳқон ҳўжаликларидан унумли фойдаланишни қўллаб-қувватлаш борасида янги тизим яратилиб, субсидия, имтиёзли кредитлар ажратилиш орқали иссиқхоналар фаолияти жадал ривожлантирилаётир. Ер билан тиллашиш ҳадисини



олган миришқорлар йилига уч-тўрт маротаба ҳосил кўтариб, томорқа улкан даромад манбаи эканини яна бир бор исботлашяпти.

Андижон вилояти учун экин майдонлари жуда қадри. Шу боис деҳқонлар унинг ҳар бир қаричидан унумли фойдаланади. Йил

3

3

Нуктаи назар

СУД ЧИНАКАМ ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ҲИМОЯЧИСИГА АЙЛАНИШИ КЕРАК

Президентимизнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига мурожаат қилиш амалиёти халқ билан тўғридан-тўғри ва ишончли мулоқот ўрнатиш, жамият ҳамда давлатни мамлакат тараққиётининг энг долзарб муаммоларини ҳал этишда мавжуд барча имкониятларни халқ манфаатлари йўлида сафарбар қилишнинг муҳим воситасидир.



Мурожаатномада инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш масаласи учинчи йўналиш сифатида белгиланди. Хусусан, суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотлар давом эттирилиши заруриятига алоҳида эътибор қаратилиб, суд тизими олдида салмоқли вазифалар қўйилди.

Таъкидлаш керакки, одил судлов борасида амалга оширилаётган ислохотлар замирида, аввало, инсон қадрини улуғлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини таъминлаш каби устувор вазифалар ётади. Айни чоғда давлатимиз раҳбари томонидан суд қарорларининг барқарорлигини таъминлаш масаласи бугунги кунда гоёт долзарблиги яна бир бор қайд этилди.

Мурожаатномада амалдаги суд қарорларини қайта қўриш тизимини тубдан такомиллаштириш зарурлиги айтилди. Бунинг учун, албатта, адолатли ҳукм ва қарор чиқариш бўйича вилоят судларининг ваколати ҳам, масъулияти ҳам оширилди.

Давлатимиз раҳбари тинтув ўтказиш, телефон сўзлашувини эшитиш ва мулкни хатлашга санкцияни прокурордан судга ўтказиш масаласига эътибор қаратганини алоҳида таъкидлаш лозим. Ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, бу ҳусусий мулк дахлсизлигини қучайтириш йўлида илгор ва дадил қадам бўлади. Бундан буён мулк ҳуқуқини чеklangа оид ҳар қандай ҳаракат фақат суд орқали бўлади.

Хорижий мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларини чеklang билан боғлиқ тезкор қидирув тадбирлари (ёзишмалар, телефон орқали сўзлашувлар ва бошқа сўзлашувлар, почта, алоқа тармоқлари орқали узатиладиган бошқа хабарлар сир сақланиши, уй-жой дахлсизлиги ҳуқуқлари) фақат суднинг руҳсати билан амалга оширилади. Бу каби қоидалар Германия, Италия, Россия, Грузия, Беларусь, Қирғизистон ва бошқа мамлакатлар қонунчилигида назарда тутилган.

Бундан ташқари, сўнгги йилларда судлар мустақиллигини мустаҳкамлаш, ишни қўришда ҳолисиқ, адолат ва қонунийликни таъминлашнинг институционал ва ташкилий-ҳуқуқий асослари яратилди. Судьялар томонидан одил судловни амалга оширишда судьялар фаолиятига аралашши ҳолатларининг олди олиниши, бир сўз билан айтганда, судлар инсон ҳуқуқларининг чинакам ҳимоячисига айлантирилишининг қафолати қучайтирилди. Шу боис тинтув ўтказиш, телефон сўзлашувини эшитиш ва мулкни хатлашга санкциянинг прокурордан судга ўтказилиши бу борада одил борилаётган ислохотларнинг изчил давомидир.

Давлатимиз раҳбари маъмурий судлар фаолияти ҳақида сўз юритиб, уларга ҳоким қароридан норози бўлиб мурожаат қилинган тақдирда, ишларни экстерриториал тартибда, яъни бошқа ҳудудда ҳам қўриш амалиёти жорий қилишни белгилаб берди. Бундан ташқари, суд ҳужжатлари ижро этилишини таъминлашга қаратилган таъсирчан механизмлари жорий этиш, инсонпарварлик тамойиллари асосида қонунчиликни такомиллаштириш сиёсатини давом эттиришга алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан, тергов устидан суд назоратини қучайтириш, адвокатнинг ваколатларини, шу жумладан, далилларни тўплаш ва тақдим этишдаги ваколатларини кенгайтириш, томонларнинг тенглик ва тортишув тамойилларини, суд иш юритувида тортишув принципини амалда таъминлаш иқониятларини яратиш ҳақида тўхталиб ўтилди.

Дарҳақиқат, сўнгги йилларда адвокатура институтини ривожлантириш, аҳолига сифатли ва бепул ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш бўйича жадал ишлар амалга оширилмоқда. Айтиб ўтиш керакки, давлат ҳисобидан бепул юридик ёрдам, бу — ҳуқуқий маслаҳат ва тушунтиришлар бериш, ҳуқуқий хусусиятдаги ҳужжатлар тузиш, судлар, давлат органлари ва бошқа ташкилотларда шахс ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган қонунда белгиланган тартиб-таомиллар ва шартлар асосида бепул кўрсатиладиган ҳуқуқий соҳада амалга оширилаётган ёрдам мажмуи ҳисобланади.

Шу билан бирга, давлат ҳисобидан бепул таъминланадиган адвокатларни электрон танлаш тизимини жорий этиш ва ишга тушириш бугунги кун тартибидagi муҳим масалалардан бири бўлиб қолмоқда. Мурожаатномада қайд этилган яна бир муҳим масала шунда-

ки, судда ишларни қўришда қатнашадиган алоҳида прокурорлар корпуси шакллантирилади. Улар махсус ўқитилади, ишни судда қўришда ҳолис, мустақил бўлиши қонун билан белгиланади. Одил судловни таъминлашда ҳимоячида берилган ҳуқуқлар ҳам қайта қўриб чиқилади. Энди судларга жиноят иши фақат айблов ҳуқуқлари билан эмас, балки ҳимоячининг фикри билан бирга қабул қилинади. Айбланувчининг ҳимоячидан воз кечиши бўйича ҳар бир ҳолат прокурор, суд томонидан синчиклаб ўрганиладиган тизим жорий қилинади.

Дарҳақиқат, адвокатура конституциявий-ҳуқуқий институт сифатида алоҳида макомга эга бўлиб, уни янада такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади. Чунки самарали одил судловни таъминлашнинг ажралмас шарти мустақил адвокатура ҳисобланиб, суд процессида қонуний ва адолатли суд қарори қабул қилинишида тарафлар тортишувини муҳити, яъни адвокат ва прокурор ўртасида процессуал имкониятлар тенглиги, соғлом баҳс, музокаранинг таъминланиши ниятда муҳимдир.

Шунингдек, жиноят процесси иштирокчиларига ёки уларнинг яқин қариндошларига нисбатан руҳий, психологик, жисмоний ёхуд бошқа тарзда босим ўтказиш, қийноққа солиш, бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-қимматни камситувчи муомала турларини қўллангани юзасидан охириги пайларда айрим вақтинча ушлаб туриш жойларида инсон ҳуқуқлари бузилиши бўйича оғрикли масалалар кўтарилмоқда. Шу боис Президентимиз Мурожаатномада таъкидлаганидек, бундай жойларга олиб келинган барча шахсларни ҳисобга олишнинг онлайн тизимини жорий этилади ва юзни таниш усулини ўрнатилди.

Айнан жиноят процессида шахснинг шаъни ва кадр-қимматини ҳурмат қилиш жуда муҳим масала. Сабаби айнан жиноят процессида инсонга асосий жисмоний ёки руҳий тазийқ ўтказилиш ваффи қатнашди. Шу боис ҳам жиноят ишлари юритувида масъул шахслар, яъни судья, прокурор, терговчи ва суриштирувчи ишда қатнашаётган шахсларнинг шаъни ва кадр-қимматини ҳурмат қилишлари шарт. Бунда ҳеч қандай қийноққа солиниши, зўравонликка, шафқатсиз ёки инсон шаъни ва кадр-қимматини камситувчи бошқа тарздаги тазийққа дучор этилиши мумкин эмас.

Айтиш керакки, тергов вақтида қўлланиладиган ғайриқонуний ҳаракатлар нафақат қийноқ ва бошқа зўрлик усулларидан иборат, яъни жиноий таъкиб остидаги шахсга нисбатан ундан иқдорлик кўрсатмалари олиш мақсадида ўтказиладиган босим нафақат жисмоний, балки руҳий тазийқ қўринишида ҳам қузатилиши мумкин. Айнан бундай ноқонуний усуллар қўллаб олинган ҳар қандай далиллардан фойдаланиш қонунан тақиқланади. Зеро, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 26-моддасида ҳам “Ҳеч қимнинг қийноққа солиниши, зўравонликка, шафқатсиз ёки инсон қадр-қимматини камситувчи бошқа тарздаги тазийққа дучор этилиши мумкин эмас”, деб мустаҳкамланган. Шунингдек, Инсон ҳуқуқларига оид асосий шартномалардан бири бўлган — БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 1984 йилда қабул қилинган Қийноқ ҳамда муомала ва жазолашнинг шафқатсиз, инсонийликка зид ёки қадр-қимматини камситувчи турларига қарши конвенцияга мувофиқ давлатлар ўз юрисдикцияларини остидаги барча ҳудудларда қийноқларга қарши самарали чоралар қўриши талаб этилади.

Умуман олганда, давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган масалалар жуда долзарб ҳисобланиб, ушбу белгиланган вазифаларнинг бажарилиши суд-ҳуқуқ ислохотларини янги ва сифатли босқичга олиб чиқишга, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий қафолатларини янада қучайтиришга, иш бўйича барча ҳолатлар суд томонидан ҳар томонлама ва тўлиқ текширилиб, далилларга ҳолисона баҳо берилишига ва шу орқали халқимизнинг ишончини оширишга хизмат қилади.

Ҳамдам НАЗАРОВ,
Тошкент вилояти адлия бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари, адлия маслаҳатчиси.

ЎЗБЕКИСТОНДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН МАЪМУРИЙ ИСЛОХОТЛАР ХАЛҚ ФАРОВОНЛИГИ ВА ИҚТИСОДИЁТНИ ЯНАДА ЮКСАЛТИРИШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев томонидан таклиф этилган илҳам ва самарали давлат бошқаруви тизимини жорий этиш, “қўл бошқаруви”дан аниқ натижа учун ишлайдиган тизимли бошқарува ўтиш бюрократик тўсиқларни қисқартириш, аҳолига давлат хизматларини кўрсатиш тизимини яхшилаш, умуман олганда, инсон манфаатлари йўлида хизмат қилажасига аминимиз.



Шабир АҲМАД ХОН,
Пешовар университети ҳузуридаги Минтақавий тадқиқотлар маркази директори (Покистон):

— Марказий Осиё ва МДҲ мамлакатлари бўйича эксперт сифатида Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотларни доимий равишда қузатиб таҳлил қилиб бораман.

2022 йил 20 декабрь куни Президент Шавкат Мирзиёев Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига йўллаган Мурожаатномасида 2023 йилдаги устувор йўналишларидан бири сифатида илҳам ва самарали давлат бошқаруви тизимини шакллантирилишини маълум қилди.

Кўп ўтмай ушбу ташаббуснинг ҳаёта татбиқ этилишига гувоҳ бўлдим. 2022 йил 21 декабрь куни давлатингиз раҳбарининг “Янги Ўзбекистон маъмурий ислохотларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Фармони эълон қилинди. Унга кўра вазирлик ва идоралар сони қисқартирилди, ҳукумат иш услуби бугунги кун талабларидан келиб чиққан ҳолда қайта ташкил этилди.



Шунингдек, янги ҳукуматнинг ваколат доираси кенгайтирилди, аниқ вазифалари белгиланб берилиди, ўз соҳасида давлат сиёсатини амалга ошириш бўйича масъулияти янада оширилди.

Мазкур ислохотнинг яна бир муҳим жиҳати — вазирликлар фаолиятини жадаллаштириди, турли бюрократик тўсиқ ва ортиқча қўғозбозликдан қўтилишга ёрдам беради. Ҳар бир вазирнинг сиёсий-маъмурий масъулияти оширилиб, улар томонидан ҳукумат қарорлари лойиҳалари бевоқифа ишлаб чиқариладиган тизим яратилди. Бу мамлакатдаги долзарб муаммоларга ўз вақтида ва сифатли ечим топишни таъминлайди.

Шу ўринда қайд этиш керакки, Президент Шавкат Мирзиёев ҳозирги замоннинг шиоатли раҳбари, ўз Ватани тараққиёти учун жафокаш етакчи сифатида нафақат мамлакатда, балки дунё миқёсида муносиб баҳоланмоқда.

Правеш ГУПТА,
“Вивекананда халқаро фонди” тадқиқот марказининг катта илмий ходими (Ҳиндистон):



— Сўнгги йилларда Президент Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида олиб борилаётган ислохотлар натижасида Ўзбекистондаги иқтисодий-иқтисодий ва сиёсий муҳит ҳар томонлама барқарорлик касб этди. Давлат раҳбари томонидан таклиф этилган “Янги Ўзбекистон” концепцияси бутун дунё ҳам-жамиятининг кўз ўнгига изчиллик билан ҳаётга татбиқ этилмоқда. Нафақат минтақада, балки халқаро миқёсда ҳам Ўзбекистонга ҳар доимигидан кўпроқ эътибор қаратишмоқда, мамлакатдаги тизимли ислохотларга қизиқиш ортмоқда. Турли глобал иқтисодий-иқтисодий кўрсаткичлар бўйича мамлакатнинг рейтингини йил сайин яхшиланмоқда.

Ўзбекистон Президенти ана шу ислохотларнинг мантиқий давоми сифатида 2022 йил 20 декабрь куни Ўзбекистон парламенти ва халқига йўллаган Мурожаатномасида мамлакатдаги ислохотлар жараёнини давом эттириш бўйича энг долзарб йўналишларни белгилаб берар экан, давлат бошқаруви тизимига аниқ ўзгаришлар киритилишини ҳам маълум қилди.

Жорий йилнинг 1 январидан эътиборан кучга кирган Президент Фармони кўра вазирликлар сони 25 тадан 21 тага қисқартирилди. Бир вақтнинг ўзига қатор давлат муассасаларининг фаолияти тугатилди.

Янги тизимга кўра ҳусусий секторга берилган давлат функциялари сони камида уш баробар оширилмоқда. Иш жараёнига замонавий, инновация технологияларини жорий қилиш янада фаллаштиралибди. Ана шундай ўзгаришлар асосида вазирликлар ўртасидаги ҳамкорлик осон кечади, бу эса Ўзбекистон ҳукуматининг иш механизминини такомиллаштириш ва жадаллаштиришга кўмаклашади.

Аминманки, бундай чора-тадбирлар Ўзбекистонда ҳукумат фаолиятида шаффофликни, ҳисобдорлик ва самардорликни ошириш учун замин

яратади. Энг муҳими, буларнинг барчаси мамлакат ҳукумати ва аҳолиси ўртасидаги мулоқот қўламини кенгайтиришга ҳамда ўзаро ишончни мустаҳкамлашга хизмат қилади. Келгуси йилларда бу ўзгаришлар самараси мамлакат иқтисодиётидаги ижобий ўзгаришларда ҳам яққол намоён бўлади.

Ҳайламанки, Янги Ўзбекистон маъмурий ислохотларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисидаги мазкур муҳим ҳужжатнинг қабул қилиниши Президент Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатда самарали фаолият юритувчи, халқни рози қиладиган давлат идораларини шакллантириш йўлидаги саъй-ҳаракатларида муҳим қадам бўлди.

Шерадил БАКТИГУЛОВ,
Давлат тузилшини масалалари бўйича эксперт, сиёсатшунос (Қирғизистон):

— Президент Шавкат Мирзиёев Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига йўллаган Мурожаатномасида кенг қамровли давлат бошқаруви ислохотлари ҳақида алоҳида тўхтади. Ўзбекистон раҳбари вазирлик ва идоралар сони икки баробарга қисқаришини билдирди. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай ушбу ислохотлар давлат раҳбарининг Фармони билан ўз тасдиғини топди.



Таъкидлаш жоизки, бу ислохот Шавкат Мирзиёевнинг 2016 йил декабрда илгари сурган сиёсий йўлига ҳамохандир. Ўша даврда Ўзбекистон Президенти томонидан мамлакатнинг ички ва ташқи сиёсатининг устувор йўналишлари белгилаб берилган эди. Булар қаторида қўшни давлатлар билан мустаҳкам дўстлик муносабатлари ўрнатиш, яқин ва узоқ хорижий мамлакатлар, халқаро ва минтақавий ташкилотлар билан алоқаларни кенгайтириш, республика иқтисодиётини либераллаштириш ва давлат бошқарувида босқичли-босқич ислохотлар олиб бориш эълон қилинганини эслаб ўтиш ўринлидир.

Ушбу ислохотларнинг асосий мақсади эътибор қилиниши халқ билан муносабатини тубдан ўзгариштириш кўзда тутилди.

Ўзбекистондаги маъмурий ислохотлар минтақа экспертлари томонидан мамлакатнинг ўз олдида қўйган улкан мақсадларига эришилганда оқилана қарори сифатида қўлаб-қувватланишига аминимиз.

«Дунё» АА.

КУЧЛИ МАКТАБЛАРСИЗ РИВОЖЛАНИШ, УЙҒОНИШ БЎЛМАЙДИ

Шубҳасиз, Янги Ўзбекистонда амалга ошириб келинаётган “Иқтисодий давлат” тамойилига асосан таълимни қўлаб-қувватлаш ҳам жорий йилдаги устувор вазифаларимиздан саналади. Жумладан, мактабларда таълим сифати ҳамда жамиятда ўқитувчи касбининг нуфузини ошириш, муаллимларнинг шароитларини яхшилаш учун барча имкониятларни ишга солаш. Шуларга мос ҳолда бошлангич синфларда мутлақо янги методика асосида яратилган дарсликлар бўйича ўқитиш йўлга қўйилади ҳамда мактаб таълимини халқаро таълим дастурлари асосида бутунлай ислоҳ қилишга киришамиз. Негатки, давлат раҳбари таъбири билан айтганда, мактаб ҳар қандай халқ, миллатнинг келажиги, кучли мактабларсиз кучли олийгоҳлар бўлмайди, улларсиз етук олимлар бўлмайди, улларсиз ривожланиш, тараққиёт, Уйғониш (Ренессанс) бўлмайди...

Мурожаатномада, шунингдек, яна қўлаб долзарб вазифалар ва уларнинг ечимлари аниқ кўрсатиб берилган.

Демак, бу барчамиздан, шу жумладан, биз, халқ вакилларидан ҳам катта куч ва масъулият талаб этади.

Ҳўш, сенаторларнинг Мурожаатномадан келиб чиқадиган қандай вазифалари бор?

Энг аввало, мазкур дастуриламал ҳужжатнинг мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка тушунтириш ниятда зарур бўлиб, буни аллақачон бошлаб юборганмиз. Негат деганда, юртдошларимиз вафиза моҳиятини очик-ойдин тушунса, ана шунда белни маҳкам боғлаб, унинг ижросига қатъий киришади. Шу маънода, мазкур йўналишдаги ишларимизни янада қучайтирсак, мақсадга мувофиқ бўлади.

Кейинги вафизамиз жойлардаги муаммолар ечим билан боғлиқ. Тўғри, жойларда кенг қўламли

ислохотлар давом этмоқда, айна чоғда муаммолар ҳам йўқ эмас. Эндиликда халқ ва ижро ҳокимияти билан биргаликда муаммоларни бартараф этиш чораларини кўрамиз.

Ўз навбатида, “Иқтисодий давлат” тамойилини ҳаётга кенг татбиқ этиш мақсадида белгиланган вазифалар ижроси юзасидан депутатлик назоратини қучайтириш, “Маҳалланинг тиңчилик ва осойишталик пойдевори, аҳилилик ва ҳамжамиятлик, маърифат ва тарбия қўргўни” сифатидаги функциясининг бажарилишига кўмаклашиш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш бўйича чора-тадбирлар бажарилишида фаол қатнашиш ҳам олдимизда турган долзарб вазифалар жумласидандир.

Аббас ХУСЕЙНОВА,
Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман)нинг Бухоро вилояти минтақавий вакили, сенатор.

АНИҚЛАНГАН МУАММОЛАР БИРГАЛИКДА БАРТАРАФ ЭТИЛАДИ



Шунингдек, халқ вакили “Чит-қарон” МФИдаги тиббиёт пункти филиалида ҳам бўлиб, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини ўрганди. Аҳоли билан мулоқот давомида филиалда эмалаш ишларини ташкил этишни йўлга қўйиш бўйича таклиф билдирилди. Ушбу масала депутат назоратига олинди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты Фирдавс Шариповнинг аҳоли билан учрашувлари ҳам қизгин ўтмоқда. У Денов туманидаги ўрганишлари жараёнида сайловчиларни ўйлантирган масалаларни жойида ижобий ҳал этишга алоҳида эътибор қаратмоқда.

Таъкидлаш жоизки, ўтган йилнинг ноябрь ойи якунида депутат Ф. Шариповга тумандаги “Лўпон”, “Истиклол юлдузи”, “Чим” ва “Файзобод” маҳалла фуқаролар йиғинлари аҳолиси электр энергия таъминотидаги узилтишларнинг олдини олиш мақсадида янги трансформатор ўрнатиш юзасидан мурожаат қилган эди.

Депутат назоратига олинган мазкур масала мутасадди идора билан ҳамкорликда бартараф этилди. Яъни туман электр тармоқлари корхонаси томонидан тўртта янги трансформатор маҳаллалар ҳудудига ўрнатилди. Суҳбат жараёнида мазкур хайрли ишда жонбозлик кўрсатган депутатдан маҳаллалар аҳли миннатдор эканликларини қайд этди.

Шунингдек, Ф. Шарипов учрашувларда Президентимизнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига йўллаган Мурожаатномаси, “Янги Ўзбекистон маъмурий ислохотларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Фармонининг мазмун-

моҳияти ва аҳамияти ҳақида батафсил маълумотлар берди.

Фуқаролар депутатдан нимани сўрашди?

Қонунчилик палатаси депутати Мавжуда Ҳасанова Ўзун туманида сайловчилар билан юзма-юз мулоқотлар ўтказмоқда. Хусусан, тумандаги “Янгиобод” маҳалла фуқаролар йиғинида сайловчилар билан учрашиб, уларнинг фикрларини, таклифларини атофлича ўрганди.

Юзма-юз мулоқотлар чоғида Янгиобод, Гулистон ва Янгикент қишлоқлари аҳолиси ҳудуддаги электр симёғочларининг бир қисми яроқсиз ҳолга келиб қолганини айтиб, мазкур масала ечимини бўйича мурожаат қилди. Депутат ушбу масалани назоратга олиб, у тез орада ўз ечимини топишини маълум қилди.

Тумандаги “Янги шахар” МФИдаги учрашув ҳам қизгин ўтди. Дастлаб депутат Президентимизнинг Олий Мажлис ва

Ўзбекистон халқига йўллаган Мурожаатномаси мазмун-моҳияти фуқароларга тушунтирди.

Шундан сўнг аҳолининг мурожаатлари қўриб чиқилди. Жумладан, Феруза Арабаева ва Махбуба Юсупова депутатдан мутахассислиги бўйича иш топишда ёрдам сўраб мурожаат қилишди. Ушбу масала ҳам депутат назоратига олинди.

Барча ўз вазифасини виждонан бажариши керак

Халқ вакили Зафар Абдиримовнинг Гулстан туманида ўтказган очик мулоқотлари ҳар қачонгидан самарали кечди.

Хусусан, депутат ташаббус билан туман Халқ қабулхонасида фуқаролар учун навбатдаги қабул ташкил қилинди. Маҳаллий Кенгаш депутатлари, туман ҳокими ўринбосарлари, ташкилот ва идоралар раҳбарлари иштирокида ўтган

қабулда аҳоли томонидан, айниқса, ички йўллар ва уй-жой таъмири, бандлик, тиббий хизмат, моддий ёрдам билан боғлиқ масалаларда қўлаб мурожаатлар бўлди.

Маҳаллий аҳоли вакиллари томонидан келиб тушган акасарият мурожаатлар шу ернинг ўзида ҳал қилинган бўлса, республика даражасида ҳал қилинадиган масалалар депутат назоратига олинди.

— Халқ ишончи юксак масъулиятдир, — дейди депутат З. Абдиримов. — Шу боис бугун ҳар бир депутат зиммасидаги масъулиятни дилдан ҳис этиб, халқ орасида иш олиб бораётми. Чунки барча ўзининг вазифасини виждонан бажариши керак. Шундангина одамлар идора-идора сарсон бўлиб юрмайди.

Учрашувлар давомида халқ вакили тумандаги бир қатор ижтимоий соҳа объектилари фаолияти билан ҳам танишди. Мавжуд муаммолар ўрганилиб, уларни ҳал этиш чоралари қўрилди.

Депутатларнинг сайлов округларидаги ўрганишлари давом этмоқда.

«Халқ сўзи».

ЖАСОРАТЛИ МЕҲНАТ — БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЁТ КАЛИТИ

Техамкор технологиялар — амалиётда

Айтиш жоизки, бундай натижаларга ўз-ўзидан эришилаётгани йўқ. Пахтачиликда бозор тамойилларига асосланган ишлаб чиқаришнинг замонавий шакли — кластер тизими йўлга қўйилгани соҳадаги ютуқларнинг бош омилли бўлмоқда. Негаки, кластерлар томонидан пахта етиштириш илм-фан ютуқлари ва инновациялар технологиялар асосида ташкил этилган алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мавжуд ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш пайидан бўлиниб, амалиётда ресурс техамкор технологиялар татбиқ қилинлпти, машина-трактор парклари юқори унумли техникалар билан тўлдирилмоқда.

Кластерларнинг сайй-ҳаракатлари билан фойдаланишдан чиққан 480 минг гектар майдон қайта ўзлаштирилган, давлат-хусусий шериклик асосида 95 минг километрик очик коллектор-дренаж тармоқларини таъмирлаш ва тозалаш ишлари бажарилиб, охириги уч йилда қиймати 4,6 триллион сўмлик 22,0 мингта қишлоқ ҳўжалиги техникалари харид қилиниб, пахтачиликда техникалар билан таъминланиш даражаси 78 фоиздан 92 фоизга етказилгани сўйимиз тасдиғидир.

Шўбасиз, кластерлаштириш туфайли қўлга киритилган энг катта ютуқ — соҳада қўшимча қиймат занжири яратилганидир. Бинобарин, ушбу усул самараси ўлароқ, қишлоқ ҳўжалиги саноатлашди, чекка ҳудудларда пахта толасини чуқур қайта ишлайдиган қудратли фабрикалар бунёд этилди. Қўвонарлиси, бу борадаги ишлар қўлами йил сайин кенгайиб бораётир. “Пахта хомашёсидан — тайёр маҳсулотгача” бўлган саноат занжирини яратиш бўйича умумий қиймати 2 миллиард долларлик 125 та янги ишлаб чиқариш қуввати ташкил қилингани, уларда 150 мингта доимий иш ўрни яратилгани кўп нарсани аңглатади, албатта.

Пахтачилик соҳасида юқори қўшилган қиймат занжирини яратиш лойиҳалари қўлами тобора кенгайиб бораверади. Мурожаатномада айтилганидек, 2023 йилда ушбу мақсадлар учун 1 миллиард доллар ажратилади.

Тола экспортидан импортига ўтилди

Бугунги кунда дунёнинг 85 та мамлакатида умумий ҳисобда 32-34 миллион гектар ерда пахта етиштирилади. Экин ерларининг ҳажми бўйича Ҳиндистон (13,5 млн. га), АҚШ (3,9 млн. га), Хитой (3,1 млн. га), Покистон



(2,5 млн. га) ва Бразилия (1,1 млн. га) дастлабки бешликни банд этиб турибди. Ўзбекистон ҳам пахта етиштириш, қайта ишлаш ва экспорт бобида ана шу етакчилар сафида эътироф этилади. Бироқ ислохотларнинг янги босқичида аграр соҳа, хусусан, унинг пахтачилик тармоғида сиёсат ўзгариб, олдимизга янги марра ва мақсадлар қўйилди. Бу четга хомашё эмас, балки тайёр маҳсулот чиқарувчи мамлакатга айланишдир.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан Ўзбекистоннинг бу борадаги янги имижли шаклланимоқда. Сабаби яқин-яқингача хомашё экспорти билан чекланиб қолган мамлакатимиз бугунги кунда пахта толасини импорт қилишни бошлади. **“Бир нарсани биласизларми-йўқми, биз толаини импорти қилляпмиз. Нимага десангиз, ишлаб чиқариш корхоналаримиз кўпайди. Кластерлар ўзлари олиб келяпти. Қандини урсин”,** деди Президентимиз.

Дарҳақиқат, кластерлаштириш шарофати билан юртимизда гигант тўқимачилик саноати вужудга келмоқда. Жаҳон тўқимачилик соҳаси тараққиёти тизгини Ўзбекистон қўлига ўтляпти. Буни тасаввур қилиш учун ишлаб чиқариш ҳажми 2016 йилдагига нисбатан 5 баробарга ошиб, экспорт эса 4 баробарга ўсганини келтириш қийфа, назаримизда. Бошқача айтганда, кластерларда қайта ишлаш қувватлари 1 миллион 300 минг тоннага етди. Лекин 1 миллион тонна тола ишлаб чиқарилмоқда. Бу ҳозирнинг ўзида 300 минг тонна тола етишмаслигини аңглатади. Келгуси беш йилда бу эҳтиёж яна 600 минг тоннага ошиши прогноз қилинаётир.

Шу боис Ўзбекистон пахта-тўқимачилик кластерлари уюшмаси ташаббуси билан хорижнинг илғор тажрибалари ўрганилиб, энг мақбуллари амалиётга татбиқ қилинляпти. Яъни нафақат пахта-тўқимачилик соҳасига чет элнинг замонавий техникалари ҳамда дастохлари қўланиляпти, балки биллим ва инновациялар, тажриба ва ташаббуслар ҳам инвестиция қилинаё-

тир. Масалан, 2022 йилда уюшма тизимида ўнлаб кластерлар АҚШ, Туркия, Хитой давлатларида бўлиб, ўзаро тажриба алмашиб қайтди.

Илм ва инновация уйғунлиги

Сир эмаски, глобал экологик муаммолар, айниқса, иқлим ўзгаришларининг салбий таъсирлари Марказий Осиё минтақаси, хусусан, мамлакатимизда аққол сезилимоқда. Юмшоқ қилиб айтганда, сўнгги уч йилда қурғоқчиликни бошдан кечирдик. Прогнозларга қараганда, бу ҳол келгусида ҳам тақорларини мумкин.

Таҳлилларнинг кўрсатишича, сўнгги ўн беш йилда ёғингарчилик 25 фоизга қисқарган. Ёзда ўта иссиқ кунлар давомийлиги ортиган олдимизда ҳали катта синовлар борлигидан нишонадир. Бунинг таъсирини фақат илм ва инновацияга таяниб юмшатиш мумкин. Яъни интенсив агротехнологияларни, сўғоришининг техамкор усуллариини оммалаштириш фурсати етди.

Шунинг учун деҳқончиликда сув сарфини камайтирадиган, намликни узок ўшлаб турадиган ечимлар тақлиф этиляпти. Пахтачилик учун томчилатиб сўғориш улар орасидан энг мақбули бўлиб турибди. Пировардиди пахта-тўқимачилик кластерлари томонидан



2022 йилда 230 минг гектар пахта майдонларида ушбу усул жорий этилди.

Сув тежайдиган технологияларни қўллаётганларга давлат томонидан субсидия ва қўшимча имтиёзлар тақдим этиляпти. Бу эса қишлоқ ҳўжалиги корхоналарини янги усулни татбиқ қилишга рағбатлантирмоқда. 2023 йилда бу борадаги ишлар қўлами янада кенгайтирилиши кутиляётир. Айни пайтда томчилатиб сўғоришни жорий қилладиган кластерларнинг тақлиф ва лойиҳалари умумлаштирилмоқда.

Унга кўра, қишлоқ ҳўжалигидида фой-

даланишдан чиққан 90 минг гектар ер майдонлари қайта ўзлаштирилиши, 200 минг гектар майдон лазерли текисланиши ҳамда 300 минг гектар майдонда сув тежовчи технологиялар жорий этилиши ҳисобига 2 миллиард метр куб сув иқтисод қилиниши кутиляётир.

Соҳанинг ҳуқуқий асоси бўладиган “Кластерлар тўғрисида”ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилиб, қабул қилиниши эса шу каби ишларни янги босқичга олиб чиқиши, шўбасиз.

Дастлабки марра 5 миллиард доллар

Экспорт — ҳар қандай давлат иқтисодиёти учун бамисоли ойна. Айни чоғда унинг ташки бозорда нечоғли рақобатбардош эканлигини белгиллаб берувчи барометр ҳамдир. Шу мезон билан ўлчайдиган бўлсак, Ўзбекистон иқтисодиётида сифат ўзгаришлари кузатиляпти, деб бемалол айта оламиз. Мана, исботи: экспорт ҳажми охириги беш йилда 5 миллиард долларга ошиб, 19 миллиард долларга етди. Глобал инқироз ҳали чекинмаган бугунги мураккаб шароитда шундай натижага эришилгани таҳсисига лойиқ.

Бу ҳали чегара эмас. Чунки мавжуд ички имконият ва салоҳиятимиз экспортни каррасига ошириш мумкинли-

дан иборат божхона расмийлаштируви 3 баробар қисқаради.

Шу билан бирга, Европа бозорларига тўқимачилик, электр техникаси, чарм-пойабзал ва бошқа тайёр маҳсулотлар экспортининг камида 2 баробар оширилиши кўзда тутилимоқда.

Дарҳақиқат, экспорт салоҳиятимиз юксалишида пахта-тўқимачилик кластерлари драйверга айланади. Негаки, давлатимиз раҳбари тўқимачилик маҳсулотлари экспортини дастлабки босқичда 5 миллиардга, 2026 йилгача эса 7 миллиардга етказиш вазифасини қўйди.

Юртимизда фаолият юритаётган кластерлар ва уларнинг ишлаб чиқариш салоҳияти буни бемалол уддалаш мумкинлигини кўрсатмоқда. Хусусан, 2022 йил аянулари бўйича экспорт 3,2 миллиард долларга етказилди. 2023 йилда эса ушбу рақамни кескин ошириш чора-тадбирлари ҳозирда қоқ қилинляпти. Яъни кластерлар томонидан 225,6 миллион доллар инвестициялар жалб этилиши, 331 та йирик лойиҳа амалга оширилиши режалаштирилган. Бунинг натижасида 32,1 мингта янги иш жойлари яратилиши, экспорт ҳажми 5 миллиард доллардан ошиши кутилимоқда.

Сиртдан қараганда, бу айримлар учун баландларвоз гапдек тўлаиши мумкин. Аммо шу соҳа ичида юрганлар яхши билишадики, жаҳон тўқимачилик бозори Ўзбекистон томон оға бошлади. Буни аңлаган йирик халқаро брендлар алақачон юртимиз кластерлари билан ҳамкорлик алоқаларини боғлашмоқда. Зотан, пахта хомашёсини етиштириш ва ҳосилни йиғиб олишда мажбурий меҳнатга барҳам берилган, Ўзбекистон GSP+ тоифасига эга давлатлар рўйхатига киритилди. Бу — кластерлар томонидан етиштирилган пахта хомашёсидан тайёрланган тўқимачилик маҳсулотларини Европа Иттифоқи бозорларига бож тўловсиз сотиш имконияти яратилди, деганидир.

Президентимиз таъбири билан айтганда, биз ўтган даврда катта билим ва тажриба тўпладик. Энг муҳими, ўз куч ҳамда имкониятларимизга бўлган ишончимиз тобора ортиб бормоқда. Бу эса барқарор тараққиёт ва муваффақиятларга мустаҳкам асос бўлиб хизмат қиладди.

Саъдулла ТОҶИБЕВ,
Ўзбекистон пахта-тўқимачилик кластерлари уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари, иқтисодиёт фанлари номзоди.



Фаргона томонларда

ҚЎҚОН ШАҲРИДА ТУРИЗМ КЎЧАСИ ОЧИЛДИ

2022 йили Фаргона вилоятининг қатор шаҳар-туманларида ташкил этилган туризм қишлоқлари ва кўчаларида сайёҳлар учун миллийликка уйғун равишда жаҳон андозалари даражасидаги шарт-шароитлар яратилиб, туристик маршрутлар сони кенгайтирилди.

Вилоят ҳўкимий ўринбосари — туризм ва маданият мерос бошқармаси бошлиғи Хўршид Аҳмедовнинг маълум қилишича, ўтган йили умумий қиймати 88,3 млрд. сўмлик инвестиция маблағлари ўзлаштирилиши натижасида 29 та лойиҳа рўёбга чиқарилди.

Хусусан, “Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил” дастури доирасида вилоятга юртимизнинг турли ҳудудларидан 1 млн. 482 минг 100 нафар сайёҳ ташриф буюрди. Хорижлик сайёҳлар сони эса 256 мингдан ошди. Уларга 76 та туроператор томонидан хизмат кўрсатилди. Йил давомида туризм экспорти ҳажми 46,5 млн. АҚШ долларини ташкил этди.

Янги йил арафасида эса Қўқон шаҳри марказидаги Истиклол кўчаси туризм кўчасига айлантирилди. Шу

муносабат билан кўҳна кентнинг Озодлик хийбони ҳудудидида Истиклол кўчасида вилоятда биринчи “Истиклол туризм кўчаси”нинг тантанали очилиш тадбири бўлиб ўтди.

— Маълумки, жорий йилда Қўқон шаҳрида Халқаро хўнармандчилик фестивали ва айни пайтда Риштон туманида Халқаро қўлчилик фестивалини ўтказишга тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда, — дейди Хўршид Аҳмедов. — Белгиланган режага кўра, ушбу икки ҳудудда туризмни ривожлантиришга хизмат қилувчи бир неча объекларни фойдаланишга топшириш кўзда тутилган.

Қўқон шаҳрида фаолият бошлаган “Истиклол туризм кўчаси” бу борадаги эзгу мақсадларнинг дебосчаси дейиш мумкин.

ХОРИЖЛИКЛАР УЧУН «TAX FREE» ТИЗИМИ

Шу йилнинг 1 январидан бошлаб Фаргона халқаро аэропортида хорижий давлатлар фуқароларига “Tax free” — харид қилинган товарлар учун қўшилган қиймат солиғини қайтариш тизими фаолият бошлади.



Яъни аэропорт ҳудудида Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги “Солиқ сервис” давлат унитар корхонаси томонидан чет давлатлар фуқароларига амалга оширилган харидлардан қўшилган қиймат солиғи суммасини қайтариш учун ҳужжатларни расмийлаштириш мақсадида “Tax free” хизмати шохобчаси ташкил этилди.

Таъкидлаш жоизки, “Tax free” тизими мамлакатимизнинг барча ҳудудидида чакана савдо объектларида тегишли қарор билан тасдиқланган

рўйхатга киритилган маҳсулотларга нисбатан қўлланади.

Фаргона вилояти давлат солиқ бошқармаси мутахассиси Сарвар Ғиёсовнинг қайд этишича, қўшилган қиймат солиғи суммасини қайтариш учун мурожаат қилаётган хорижий давлат фуқароси умумий қиймати камида 1 миллион сўм бўлган, “Tax free” тизими татбиқ этиладиган маҳсулотларни сотиб олган бўлиши зарур.

Ботир МАДИЁРОВ
(«Халқ сўзи»).

Изланиш



ҲАМ ШИФОБАХШ, ҲАМ СЕРДАРОМАД

Лимончилик — сердаромад соҳа. Меваси инсон организми учун қоят фойдали бўлган витаминларга бой. Миришкор деҳқонларимиз буни яхши билишади. Шу нуқтаи назардан, юртимизда лимончиликни ривожлантиришга эътибор қўнайтирилаётгани айни мўддао. Бўҳоро вилоятининг чекка ҳудудларидан бири — Қоровулбозор тумани ҳам бундан мустасно эмас.

Гап шундаки, тумандаги “Навбахор” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида бир гуруҳ ташаббускор тадбиркорлар томонидан жами 50 гектар ерда лимонзор барпо этиляпти. “Бир маҳалла — бир маҳсулот” тамойили асосида амалга оширилаётган бу лойиҳани Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA) молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватляпти. Лойиҳанинг умумий қиймати 79 миллиард сўм бўлиб, ҳар бири ярим гектардан иборат 76 та иссиқхона қурилиши кўзда тутилган. Эътиборлиси, бу минг нафарга яқин кишиларни иш билан таъминлаш имконини беради.

— Ушбу цитрус мевани етиштиришдан одам росманасига барака топади, — дейди Бўҳорода бутун бўлиб лимончилик мактабини яратган инсонлардан бири Нусрат Саидов. — Буни мен ўз ҳаётим мисолида айтаман. Дейлик, тўрт сотих ерда 50 тул лимон қўчати ўтказган киши парваришини рисоладагидек олиб бурса, икки тоннадан ошириб ҳосил етиштириши мумкин. Қоровулбозорда барпо этиляётган лимонзорларга келсак, ишончим комил, бу ерда етиштирилган маҳсулотнинг хорижда ҳам бозори, албатта, қақшон бўлади.

Истам ИБРОҲИМОВ
(«Халқ сўзи»).

КЕЛАЖАККА МУСТАҲКАМ ЗАМИН

Болаликда олинган таълим-тарбия келажак учун пойдевор вазифасини ўтайди. У қанчалик мустаҳкам қўйилса, боланинг камолоти ҳам шунчалик ишончли бўлади.

Қулайлик

Сурхондарё вилоятида 3 ёшдан 7 ёшгача бўлган болалар сони 249 мингдан зиёд бўлиб, уларнинг 151 минг 670 нафари, яъни 61 фоизи мактабгача таълим билан камраб олинган. Мавжуд 2 438 та мактабгача таълим ташкилотининг 489 таси давлат тасарруфидида, 156 таси давлат-хусусий шериклик

асосида, 1 834 таси оилавий ва 10 таси хусусий бочадир.

Вилоят ҳўкимий вазифасини бажарувчи Улўғбек Қосимов Термиз шаҳридаги “Ал-Хоразмий ахборот технологиялари мактаби” нодавлат таълим муассасаси томонидан ташкил этилган замонавий мактабгача таълим ташкилоти фаолияти билан танишди.

Таъкидланганидек, юртимизда сўнгги йилларда таълим соҳасида очик борилаётган ислохотлар хусусий таълим муассасаларининг раванки учун кенг имкониятлар эшигини очмоқда. Замонавий қўёфага эга айни муассасада ҳам болаларни мактаб таълимига тайёрлаш, спорт билан шуғулланиши ва хорижий тилларни ўрганиши учун барча шарт-шароит яратилган. Танишув жараёнида мактабгача таълим ташкилоти эришаётган ютуқлар эътироф этиларкан, шаҳардаги 6-сонли давлат мактабгача таълим ташкилотидида ҳам ушбу МТТ

тажрибасини қўллаш ва синовдан ўтказиш вазифаси белгиланди.

Тадбир доирасида, шунингдек, ахборот технологияларини чуқур ўқитишга мўлжалланган 600 ўрилми янги мактаб лойиҳаси тақдими тўқазилди. Вилоят раҳбари лойиҳа билан танишар экан, зарур тақлиф ва тавсиялар ҳамда тадбиркорнинг ушбу лойиҳани амалга оширишига қўмаклашиш учун масъулларга кўрсатмалар берди.

Илҳом РАҲМАТОВ
(«Халқ сўзи»).

БИР ГЕКТАР ИССИҚХОНАДАН ЙИЛИГА 500 МИЛЛИОН СЎМДАН КЎП ДАРОМАД

— Ҳозирда вилоят миқёсида иссиқхона фаолияти билан шуғулланувчи 197 та тадбиркорлик субъекти мавжуд бўлиб, уларнинг умумий ер майдони 244 гектарни ташкил этади, — дейди Республика бодгорчилик ва иссиқхона ҳўжалигини ривожлантириш агентлигининг Андижон вилояти бўлими мутахассиси Абдумутал Сулаймонов. — Бу соҳага бўлган эътибор ва қўлай шарт-шароит уларнинг сони ўтган йилнинг ўзида 24 тага ортди. Мавжуд иссиқхоналарда фаолият юритаётган 4 минг нафардан зиёд ишчилар томонидан 14 минг 300 тонна ҳосил йиғиб олинди.

Маҳсулотлар ички бозорни тўлиқ таъминлаб, эҳтиёждан ортгани қўшни давлатларга экспорт қилинмоқда. Сабаби вилоятда етиштирилган иссиқхона шарт-шароитида маҳсулотлар нафақат сифати, балки фойдали озуқа моддаларига бойлиги билан талабгордир. Шу боис ҳудудда помидор, бодринг, редиска, бўлгур қалампир, баклажон ва лимон етиштириш тобора қўлайиб боряпти. Эндиликда тажриба талқисада кулупнай, малиналардан илҳи ҳосил олиш ишлари амалга ошириляпти.

Шу ўринда ҳақли бир савол туғилади. Ҳўш, томорқа миришкорлари экин майдонларидан йил давомида тўрт мартагача ҳосил олишни йўлга қўйган экан, иссиқхона ташкил этишдан мақсад нима?

— Бунинг афзаллик жиҳатлари кўп, —

дея суҳбатда давом этади Абдумутал Сулаймонов. — Масалан, анъанавий усулда очик майдондаги экин майдонининг бир гектаридан 30 — 40 тоннагача ҳосил олиш мумкин. Иссиқхона шарт-шароити эса бу кўрсаткичи беш баробаргача оширса бўлади. Демак, даромад ҳам шунча баробарга ортади. Томчилатиб сўғориш технологияси қўланилаётгани боис сўғориш ва агротехник хизматлар харажати беш баробарга арзонлашади. Минерал ўғитлардан деярли фойдаланилмайди. Яъни маҳсулотнинг юз фоиз экологик софлиги таъминланади. Бу эса унинг экспорт ҳажми орттишида муҳим аҳамиятга эга.

Шиддат билан ўзгариб бораётган бугунги даврда ҳар бир соҳага янгича ёндашув, жаҳон бозори талабларига мос тақрибга эга бўлиш зарур. Шу мақсадда вилоятда ҳам “нетхаус” (Nethouse) услубидаги иссиқхоналарни барпо этиш оркали истикболли лойиҳаларни ишга солиш ва молиявий барқарорликка эришишга киришляпти. Аска туманидаги фойдаланилмаётган адирликда “Sabo hamkor” МЧК томонидан 111 гектар майдонда ана шу услубдаги иссиқхоналар барпо этиляпти. 2022 йил синов тариқсидида 20 гектар майдонда ўн турдаги маҳсулотлар экилди. Натижа чакки эмас! Ҳар бир тул помидор қўчатиининг ўзи ўртача 5 кг дан ҳосил берди.

— Ярим йил муқаддам бу жойлар ўзлаштирилмаган майдондан иборат эди, — дейди лойиҳа раҳбари Нодирбек Дадабоев. — Лойиҳа бошланган натижа биз кутгандан ҳам аъло даражада бўлди. Чўночи, ушбу ерининг бир гектаридан очик ҳолатда 20 тоннагача ҳосил олиш мумкин бўлгани ҳолда иссиқхона шарт-шароитида 120 — 130 тоннагача ҳосил йиғиштириб олишга эришмоқдамиз.

“Нетхаус” иссиқхоналари, асосан, ёзги шарт-шароити ихтисослаштирилади. Яъни иссиқхоналарнинг устки қисми махсус тул билан қопланади. У қўёшнинг ультратраби-нафша нурини қайтариб, ўсимлик учун керакли нур ва иссиқликни бир меъёрда таъминлаб беради. Фитоҳимояланган қўлама тулки касаллик ва хашаротлардан сақляйди. Шу боис экинларга кимёвий ишлов беришнинг ҳожасти йўқ.

— Иссиқхонамиздаги бир гектар майдондаги экинларни сўғориш учун 10 тонна сарвфланади, — дейди суҳбатдошимиз Нодирбек Дадабоев. — Аънаъанавий усулда эса 100 тонна сарв талаб этилади. Томчилатиб сўғорилгани боис мизерал ўғитлар ҳар бир қўчатиининг тагига етиб боради ва бу ўғитни беҳудда сарфлашнинг олдини олади.

Андижон вилояти учун янгилик бўлган ушбу йўналишдаги иссиқхонанинг бир гектаридан 500 миллион сўмдан ортик миқдорда маҳсулот олиш имкони бор-

лиги ҳисоб-китоб қилинди. Истикболли лойиҳа муаллифлари шу билангина кифояланиб қолмай, эндиликда республикамиз учун камёб бўлган маҳсулотларни маҳаллийлаштиришга киришляпти. Бунинг учун Испаниядан малина қўчати олиб келиниб, тажриба сифатида бир гектар майдонга ўтказилди. Натижада малина ҳосилга кирган ойига бир тоннагача ҳосил олишга эришилди. Лойиҳа тўлиқ фойдаланишга топширилганидан кейин йилига 8 минг тоннагача бўлган маҳсулот экспортга йўналтирилади. Қўвонарлиси шундаки, бугунги кунда бу каби иссиқхоналар Андижон, Жалақудук, Марҳамат ва Қўргонтепа туманларида ҳам ташкил этилмоқда.

Бу соҳани янада тараққий топтириш учун барча шарт-шароит яратилаётган бир пайтда муаммолар ҳам йўқ эмас. Айталик, иссиқхоналар учун энг муҳим бўлган иссиқлик таъминотидаги узилишлар лойиҳаларининг ривожига тўқсунлик қилмоқда. Табиий газ, электр энергияси, қўмир каби ёқилғилар билан боғлиқ муаммоларни ҳал этишнинг ўзи муаммага айлانган бир пайтда қўлни қовуштириб ўтириш ҳам ярамайди. Ўзлаган имкон топади, деганларидек андижонликлар бунинг ҳам чорасини йўлаб топди. Иссиқхоналарда термос услубини қўллаш

ҳозирги кунда ягона чора бўлиб турибди. Ҳўш, бу қандай усул?

— Бунинг учун иссиқхонанинг ярим, бир метр қисми ер остига жойлаштирилади, — изоҳ беради Абдумутал Сулаймонов. — Юқори қисми эса икки қават плёнка билан қопланади. Натижада ҳатто киши фаслида ҳам ёқилғига ҳожат қолмайди. Бунда иссиқхонанинг ичидаги ҳароратнинг энг паст кўрсаткичи +6, +8 даражани ташкил этади. Бу ўсимликларни совуқдан ҳимоя қилиш учун етарли иқлим ҳисобланади. Мабодо, қаҳратон совуқ бўлганда ҳам экинларнинг устини учинчи қават плёнка билан қоплаш орқали уларни бемалол ҳимоялаш мумкин.

Ҳар бир нарсани борича қабул қилиш ўз имкониятимизни чеклаб қўйиш демекдир. Бироқ унга озгина ижодий ёндашиш орқали янги жиҳатларни кашф этса бўлади. Қишда ҳам ёз неъматларини тақдим қилишнинг янгича чорасини топа билган андижонликлар фаолияти билан танишиб, бунга яна бир бор амин бўлдик.

Саминжон ХУСАНОВ
(«Халқ сўзи»).

Байрам шукуҳи

«Ўзбекистонимиздаги ҳар бир ўзгаришнинг ўзи бир дostonдир»

Дехқонобод, Ғузор, Қашаши туманлари қишлоқларида ҳар бир оилада дўмбира, от бўлиши азалий одат. Ана шундай муҳитда тарбия топган деҳқонobodлик Қаҳҳор бахши Раҳимовни элимиз яхши танийди. Қаҳҳор бахши, ўзининг таъбири билан айтганда, бешикда отасининг термақ дostonларини тинглаб вояга етган. У отаси — Қодир бахшидан мерос дўмбрасини чертиб, термалар қуйлаганида хатто қушлар ҳам жўр бўлиб чуғурлашади дейишади.



Қаҳҳор бахши — салобатли тоғлар фарзанди. У чўққиларини қор босган тоғу тошларга қараб қуйлаганида Ватан туйғусини янада тeрaнpoқ ҳис қилади.

— Жонаҳон юртга муҳаббатимни термаларим орқали изҳор қиламан, — дейди у. — Маҳобатли тоғлар янглиғ кўкка бўй чўзаётган бинолар ва иншоотлар, кафтдек текис йўллар ҳамда йўлчалар, боғлару узумзорлар, кенг ва бепоён серҳосил далаларга боққанимда илҳомим янада жўшади.

Тарих зарваракларидан ўрин олган 2022 йил Қаҳҳор бахши ҳаётида ёрқин из қолдирди. Утган йили унинг “Булбул наволари” термалар тўплами ва “Гурунглин сафари” дostonи нашр этилди. Республика бахшилар марказига яна чоп қилиш учун 2 та дostonи тақдим этилган. Айниқса, у бахшичилик ЮНЕСКОнинг номоддий маданий мероси рўйхатига киритилганидан беҳад қувонди, миллий маданиятимиз дунёда эътироф этилгани унга иходий куч-қувват бағишлади.

— Ҳозирги кунга қадар бахшичилик тарғиботида бағишланган 20 та рисолам чоп этилди, — дейди Қаҳҳор бахши Раҳимов. — Улар бугунги ёшлар қалбига миллий санъатимиз ва маданиятимизга муҳаббат уйғотса, ўзимни бахтиёр ҳисоблайман. Президентимизнинг 2021 йилнинг 10 апрелда “II Халқаро бахшичилик санъати фестивалига тайёргарлик кўриш ва бахшичилик санъатини ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратишга доир қўшма чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори асосида ҳар икки йилда Халқаро бахшичилик санъати фестивали ўтказилиши белгиланган бўлиб, Қорақалпоғистон Республикасида ушатирилган фестивалда қамна “Ўзбекистоннинг энг яхши дostonчи бахшиши” номинатсиясида гoлиб бўлдим.

Дoston ҳамда термалар айтиш Қаҳҳор бахшининг қониди бор, унинг отаси ва боболари ҳам бахши бўлишган. Айниқса, отаси Қодир бахшининг олдида тушадигани йўқ эди. Биласиз, тоғли элнинг тўйи, тадбирлари бахсисиз ўтмайди. Одамларнинг айтишича, Қодир бахши шомда қуйлашни бошлагандан тонг отиб, қуёш ҳарак бўйига қўтарилгунча айтишдан тўхтамаган. Муҳлис-лардан бирортаси кетиб қолмаган. Бугун Қодир бахшининг тўрт ўғли ҳам ота изидан бориб, давраларда қуйлаб келмоқда. Қаҳҳор ва Абдимурод Раҳимовлар “Ўзбекистон халқ бахшиши” унвонига сазовор бўлишган бўлса, Баҳодир ва Баҳром бахши бир қатор танловлар гoлибдир.

Қаҳҳор бахши Деҳқонобод туманидаги 30-мактабда “Ёш бахшилар” тўғрагини оingan бўлса, Абдимурод бахши тумандаги 5-мусиқа ва санъат мактабига бахшичилик синфига раҳбарлик қилиб, бахшичилик аъёналарини кенг тарғиб этмоқда.

Ғузал ва бетакор юрт мадҳини қуйлаб, эл ардоғида бўлган Қаҳҳор бахши учун Янги йил қўшалоқ байрамга айланди. Юртбошимиз йўллагани бундай табриги қалбига гурур, ҳаётига сурур бахш этди.

— Бундай юксак эътибор менга бекиёс куч-ғайрат, илҳом бағишламоқда. Ўз устимда янада кўпроқ ишлашга, янги-янги ижролар қилишга ундаётди. Аслида, бахшининг мактаби ҳам, устози ҳам халқ. У қанчалик кўп тингловчисини топса, юрт тинч ва фаровон бўлса, шунча тўлиб-тошиб қуйлайверади.

Қаҳҳор бахши дўмбрасини қўлга олиб, ихлос ва меҳр билан жўшиб қуйлайди. Зотан, Ўзбекистонимиздаги ҳар бир ўзгаришнинг ўзи бир дostonдир:

Ҳай ёраа...
Чилла кирса, баланд тоғни қор босар,
Мард ишитнинг юрагини ор босар.
Янги йилда халқим боғлаб белини,
Янги Ренессанс ёрқин-ёрқин йўл очар...

Фахриддин БОЗОРОВ
(«Халқ сўзи»).

Тошкент давлат иқтисодиёт университети ректорати ва Қасаба уюшма қўмитаси Молиявий таҳлил ва аудит кафедраси доценти Азамат Маҳмудовга отаси **Нормурод МАҲМУДОВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

— Бугунги кун талабларидан келиб чиқиб, ёш авлод таълим-тарбиясига ёндашишда энг катта эътибор узлуксиз таълим тизимига қаратилмоқда, — дейди мазкур мактабнинг олий тоифали тарих фани ўқитувчиси, “Шўхрат” медали соҳиби Назокат Алламова. — Ёш авлод тарбиясида фақатгина давлат ёки таълим тизимининг ўзи эмас, жамиятнинг барча бўғини фаол иштирок этиши зарур. Жумладан, давлатимиз раҳбарининг сўзлари билан айтганда: “Мактаб — бу ҳаёт-мамонт масаласи, келажак масаласи. Уни давлат, ҳукумат ва ҳокимларнинг ўзи ҳал қилолмайди. Бу бутун жамиятнинг иши, бурчига айланиши керак”. Мактабимиз жамоаси айна шу мақсад йўлида меҳнат қилмоқда. Президент мактаблари, Исоҳон Ибрат, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Ибройим Юсупов ва бошқа ижод мактабларининг ташкил этилиши иқтидор ва истеъдодни рўбга чиқаришга йўналтирилгани билан аҳамиятли. Президент мактабларида ўқиш истагини билдирган ёшларнинг салмоғи халқимизнинг таълимга, илм олишга бўлган иштилоши намунаси деб таъкидлаш мумкин.

Кенг имконият, бадастир шароит

Мактаб ўқувчиларига тўрт маҳал иссиқ овқат берилади. 100 ўринга мўлжалланган ошхонадаги таомномага назар ташлаб, бу ер ресторан-масмикан, деб ўйлаб қоласиз. Негаки, хилма-хил овқатлар ўқувчиларга мунтазир. Тан олайлик: бундай шароит ҳеч қачон бўлмаган.

Мухташам кутубхонанинг мутлола хонаси 30 ўринли экан. Бадиий адабиётлар сони 9300 та. Мактабда компьютер хонаси мавжуд, ўқув хоналари интерактив доскалар билан жиҳозланган, интернет тизими муттасил ишлаб турибди. Илм-фан, адабиёт, маданият ва санъат намоёндалари билан мунтазам равишда маҳорат дарслари ўтказиб ўрилаггани эса янада муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ижод мактабига ҳар чорақда мониторинг имтиҳонлари ўтказилиб, ўқувчилар ўзлаштириши таҳлил қилиб борилади. “Ичан қалъа” музей-қўриқхонаси, Шарқшунослик университети, Ёзувчилар уюшмаси, Ўрган давлат университети, “Хоразм ҳақиқати” газетаси, Маҳмуд аз-Замашарий нашриёт-матбаа уйи каби ташкилотлар билан йўлга қўйилган ҳамкорлик эса бу ерда таҳсил олаётган ўғил-қизлар дунёқарашини бойитишга хизмат қилмоқда.

Илм андоқ ганжи нофиъдур...

Муҳаммад Ризо Огаҳий номидаги ижод мактабнинг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси Мухаббат Жуманиязова. Президентимизнинг Фармонига биноан II даражали “Соғлом авлод учун” ордени билан тақдирланди. Ўқитувчи ва мураббийлар байрами муносабати билан мукофотланган бу ўқитувчи Огаҳий адабий меросининг биллимдони экан.

— Огаҳий ижоди — улкан сабоқлар мактаби, — дейди М. Жуманиязова. — Уни ўрганиш, мутлола қилиш кишига руҳан далда, маънан озуқа беради. Шоир ўзининг “Таъвиз-ул ошқин” девони дебocasида шундай ёзади: “Саодатлик асрининг ёқимли, услуби чиройли баён фозилларига ва шарофатли замонининг ширин тиллик шоирларига диққатли шеърлари ва назокатга яқин назмлари бахшишлиги учун мўл инъомлар, хурсандлик ва кўп эҳсонлар билан баҳрамандлик етқариб, қадру мартабада ўзгалардан азиз ва мўътабар, иззат ва шавкатда ўзга одамлар орасида кўёшдек порлоқ ва сарбалам қилди”. Бу билан у ўзининг қадри баландлигидан шодмонлик туйғусини изҳор қилади.

Юқоридagi дил изхори бежиз эмас. Чунки мавлоно тиркилигидек элда азиз шоир, тарихнавис олим, таржимон, улкан мароф бўлиб етишган, камол топган улкан шахс эди. Буларнинг барчаси тинимсиз меҳнат, илм олиш, изланишлар, Аллоҳ берган истеъдодий ижод муқаддас самарали фойдаланиш маҳсулидир. Шунинг учун ҳам Огаҳий, авваламбор, илмини юқори даражада шарафлайди: “Илм андоқ ганжи нофиъдур бани одамқим, қимди ул бўлса, ики олам бўлур обод анга”. Шоир кейинроқ ҳам, оёғида қувват йўқлиги ишорасида, илмга нисбатан янада юксак мартабада уруғ беради:

Эй, келди фунуну илм таслим санга,
Қилмоқ мана лозим ўлди таълим санга.
Гарчи йўқ эди қувват аёқимда, вале,
Келдим бош ила олғош таълим санга.

Шоирнинг ғазалиёти, унинг назм наҳри юртга жон бахшида этиб турган Жайҳунга ўхшайди, гоҳ шиддатли, гоҳи сокин, гоҳ шўх, гоҳи маҳзун оқади. Дарёлар қай тарзда оқмасин, улар элу элатларга ҳаёт бахшида этиб туради. Нанкин ёзиш, ҳатто баъзи бировларнинг умр мобайнида ўқиб чиқишга ҳам вақти етмайдиган даражада сермахсуллик ҳамма ижодкорларга-да насиб этавермайдиган ноёб бахтидир.

Чиндан ҳам шундай. Огаҳийнинг мамнуният ила айтган изҳорлари бугунги кунларимизга ҳамонглиги билан аҳамиятлидир. Зеро, унинг номидаги ижод мактабига издошлар камолга етмоқда. Улар ҳам келгусида худди улуғ устоздек юртга хизмат қилишга аҳд қилишган. Бу аҳду паймон замирида Ватанини улғулаш, уни қўзларга тўтиё қилишдек азим мудоалар мужассам. Ҳазрат Огаҳий бир замонлар ёзганидек:

Кетса ҳушим тонг эмас
кўргач қиём қоматин
Ким, мани ҳайрон уни
қойим қиёмат кўрмишам...

Мақсуд ЖОНИХОнов,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.



«...КЕЛДИМ БОШ ИЛА ОЛҒОЛИ ТАЪЛИМ САНГА»

Азал-азалдан илму маърифат инсонни камолотга етакловчи, тарбияловчи, улғулик, эзгулик ва яхшиликка бошловчи восита бўлиб келган. Заминимизда камол топган етук алломаларнинг таржимайи ҳолига назар солсак, уларнинг барчаси зиёга, китобга ошно бўлганлигини кўрамиз. Ғира-шира шам ёғдусида мутлолаа берилган, илм машаққати ортидан тиббиёту математика, жуғрофия, ҳадисшунослик, астрономия, фалакиётда оламшумул натижаларга эришиб, дунёга танилган бобокалонларимиз бор. Хасталикка аниқ тахшис қўймагунча даволашни бошламаган Ибн Синонинг “Тиб қонунлари”, мана, неча асрдирки, жаҳон тиббиёти

Айни шу мақсад йўлида янги Ўзбекистонда, аввало, таълимга алоҳида уруғ берилмоқда. Турли йўналишдаги мактаблар фаолияти йўлга қўйилиб, энг замонавий ва илғор технологиялар асосида ўқитиш ишларига эътибор қаратилляпти. Муҳаммад Ризо Огаҳий номидаги ижод мактаби ҳам худди шундай эзгу мақсадда ташкил этилган ва юксак мезонлар асосида фаолият олиб бораётган таълим масканларидан биридир.

Ушбу мактабга 2019/2020 ўқув йилида 5, 6, 7, 8-синфларнинг ҳар бирига иходий имтиҳон ва тест синовлари асосида 30 нафардан ўқувчи қабул қилинди. 2021/2022-ўқув йилида эса 7, 8, 9-синфларнинг ҳар бирига ана шундай синовлар асосида 10-12 нафардан ўқувчи саралаб олинди. Ҳозирги кунда ҳар бир синфда ўқувчилар сони 20 нафарни ташкил қилади.

Ушбу мактабнинг Огаҳий номи билан аталлишда катта маъно бор, албатта. Биламизки, адабиётимиз тарихида ҳазрат Алишер Навоийдан кейин энг кўп ва энг ҳуб ижод қилган шоирлардан бири Огаҳийдир. У отадан эрта етим қолиб, амакиси, замонанинг етук шоири, хоннинг бош мироби Муноис Авазбий ўғли Хоразмий қўлида тарбия топади. 1829 йилда Муноиснинг 51 ёшида вафот этиши ёш шоир учун катта йўқотиш бўлди. Огаҳий 20 ёшида Хива хони Оллоқулихон томонидан мироблик вазифасига тайинланади. Сабру қаноати тўғрйли элда азиз бўлган, Ватан равақи учун жонини фидо этишга бел боғлаган Огаҳийнинг мироблик даврида Хоразмда қўлгина янги каналлар қазилиб, сув иншоотлари қурилгани, воҳонинг суғориш истиқболлари борасидаги муаммоларнинг оқилона ҳал бўлиши тарихий манбаларда қайд этилган.

Огаҳий халқ орасида кўпроқ лирик шоир сифатида машҳур. Умрининг охириги йилларида тусган лирик куллийети — “Таъвиз ул-ошқин” (“Ошиқлар тумори”, 1872) бизгача тўла етиб келган. Шунингдек, Огаҳийнинг тарихий асарлари Ўзбек тарихнавислиги фани тараққиётига катта хисса қўшди. Улар Урта Осиё тарихининг ажралмас таркибий қисми бўлиб, Хоразм тарихини, хусусан, Хива тарихини тадқиқ этишда муҳим манба ўлароқ хизмат қилади. Муаррихнинг асарлари тарихни, адабиётни, юртни севишга, қадрлашга, эъозлашга даъват этади.

Юзойдинлик бахти

— Улуғ шоирнинг бой адабий мероси ўқувчиларимиз томонидан катта қизиқиш билан ўрганилмоқда, — дейди мазкур мактаб директори вазифасини бажарувчи Расулбек Раҳимов. — Шунингдек, шоир ғазаллари қўлаб хонандалар



Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буортма Г — 141. 20 266 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни қўлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг:

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.



Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Таҳририятга келган қўёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида термалар ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан сақлалади.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:

100000,

Тошкент шаҳри,

Матбуотчилик кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Д. Каримов.

Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буоқ Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.25 Топширилди — 23.40 1 2 3 4 5 6